

ТАЪЛИМ БЕРИШ ЖАРАЁНИДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

“Математика ўқитиш методикаси” кафедраси ўқитувчиси
Аҳаткулов А.А., Қазибеков М.

Таълим жараёнида интерактив методлар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан – кунга кучайиб бормоқда, бундай бўлишининг сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий таълимда талабаларни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологияларда эса, уларни эгаллаётган билимларни ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб таҳлил қилишларига, хатто хулосаларни ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади. Педагог бу жараёнга шахснинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиш ва тарбияланишига шароит яратади ва шу билан бир қаторда бошқарувчилик, йўналтирувчилик функциясини бажаради. Таълим жараёнида талаба асосий фигурага айланади.

Шунинг учун олий ўқув юртлири малакали касб эгаларини тайёрлашда замонавий ўқитиш методлари интерактив методлар, инновацион технологияларнинг ўрни ва роли бениҳоя каттадир. Бунда педагогик технология ва педагогик маҳоратига оид билим, тажриба ва интерактив методлар талабаларни билимли, етук малакага эга бўлишларини таъминлайди.

Инновацион технологиялар педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва талаба фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан интерактив методлардан тўлиқ фойдаланилади.

Интерактив методлар – бу жамоа бўлиб фикрлашдан иборат деб юритилади, яъни педагогик таъсир этиш усуллари бўлиб, таълим мазмунининг таркибий қисми ҳисобланади. Бу методларнинг ўзига хослиги шундаки, улар фақат педагог ва талабаларнинг биргаликда фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади.

Бундай педагогик ҳамкорлик жараёни ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

- талабанинг дарс давомида бефарқ бўлмасликка мустақил фикрлаш, ижод этиш ва изланишга мажбур этиши;
- талабаларни ўқув жараёнида билимга бўлган қизиқишларини доимий равишда бўлишини таъминлаши;
- талабанинг билимга бўлган қизиқишини мустақил равишда ҳар бир масалага ижодий ёндошган ҳолда кучайтириши;
- педагог ва талабанинг ҳаммиса ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил -ланиши.

Педагогик технологиялар – педагогик технологиялар масалаларининг муаммоларини ўрганаётган ўқитувчилар, илмий – тадқиқотчилар, амалиётчиларнинг фикрича, педагогик технология – бу фақат ахборот технологияси билан боғлиқ, ҳамда ўқитиш жараёнида қўлланиши зарур бўлган ТСО – ЎТВ (таълим самарадорлигини ошириш), (ўқитувчининг технологик воситалари), компьютер, масофали ўқитиш, ёки турли хил техникалардан фойдаланиш деб белгиланади. Педагогик технологиянинг энг асосий негизи - бу ўқитувчи ва талабанинг белгиланган мақсаддан қафолатланган натижада ҳамкорликда эришишлари учун танланган технологияларига боғлиқ деб ҳисоблаймиз, яъни ўқитиш жараёнида, мақсад бўйича қафолатланган натижага эришишда қўлланиладиган ҳар бир таълим технологияси ўқитувчи ва талаба ўртасида ҳамкорлик фаолиятини ташкил эта олса, ҳар иккаласи ижобий натижага эриша олса, ўқув жараёнида талабалар мустақил фикрлай олсалар, ижодий ишлай олсалар, излансалар, таҳлил эта олсалар, ўзлари ҳулоса қила олсалар, ўзларига, гуруҳга, гуруҳ, ва уларга баҳо бера олса, ўқитувчи эса уларнинг бундай фаолиятлари учун имконият ва шароит ярата олса, ана шу, ўқитиш жараёнининг асоси ҳисобланади.

Бундан ташқари ўқитиш жараёнини олдиндан лойиҳалаштириш зарур, бу жараёнда ўқитувчи ўқув предметининг ўзига хос томонини, жой ва шароитини, ТСО-ЎТВ ни энг асосийси, талабанинг имконияти ва эҳтиёжини ҳамда ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил эта олишини ҳисобга олиш керак, шундагина, керакли қафолатланган натижага эришиш мумкин. Қисқа қилиб айтганда, талабани таълимнинг марказига олиб чиқиш керак.

Ўқитувчи томонидан ҳар бир дарсни яхлит ҳолатда кўра билиш ва уни тасаввур этиш учун бўлажак дарс жараёнини лойиҳалаштириб олиш керак.

Бунда ўқитувчига у томонидан бўлажак дарсни технологик ҳаритасини ҳар бир мавзу, ҳар бир дарс учун ўқитилаётган предмет, фаннинг хусусиятидан, талаба -ларнинг имконияти ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тузилади.

Бундай технологик ҳаритани тузиш осон эмас, чунки бунинг учун ўқитув -чи педагогика, психология, хусусий методика, педагогик ва ахборот техноло -гиялардан ҳабардор бўлиши, шунингдек, жуда кўп методлар, усуллари билиш керак бўлади. Ҳар бир дарсни ранг-баранг, қизиқарли бўлиши аввалдан пухта ўйлаб тузилган дарснинг лойиҳалаштирилган технологик ҳаритасига боғлиқ.

Дарснинг технологик ҳаритасини қай кўринишда ёки шаклда тузиш бу ўқитувчининг тажрибаси, қўйган мақсади ва ихтиёрига боғлиқ. Технологик ҳарита қандай тузилган бўлмасин, унда дарс жараёни яхлит ҳолда акс этган бўлиши ҳамда аниқ белгиланган мақсад, вазифа ва қафолатланган натижа, дарс жараёнини ташкил этишнинг технологияси тўлиқ ўз ифодасини топган

бўлиши керак. Технологик харитани тузилиши ўқитувчидан дарсни кенгайтирилган конспектини ёзишдан халос этади, чунки бундай харитада дарс жараёнининг барча қирралари ўз аксини топади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Qahhorov, M., & Jamoliddin, A. (2020). МАКТАВ МАТЕМАТИКА DARSLARIDA TARQATMA MATERIALLARNI QO 'LLANILISHI. Архив Научных Публикаций JSPI.
2. Mamatov, J., & Parmonov, A. (2020). Tasvirli masala matematikani o'qitish samaradorligini oshirish vositasi sifatida. Архив Научных Публикаций JSPI, 109-109.
3. Mamatov, J. (2020). Tasvirli masalalar tuzishda yo'l qo'yiladigan kamchiliklarni yop'qotish haqida. Архив Научных Публикаций JSPI.
4. Ismatov, N. (2020). Kasb-hunar kollejlarda matematika fanidan tarqatma materiallarni qo'llash. Архив Научных Публикаций JSPI.
5. Fayzullayev, S. (2020). ЛОБАЧЕВСКИЙ ТЕКИСЛИГИНИНГ ГИПЕРБОЛОИД УСТИДАГИ ТАЛҚИНИ. Архив Научных Публикаций JSPI.
6. Rahmatov, A., Rahmonkulov, F., & O'sarov, S. (2020). ZAMONAVIY ELEKTRON O'QUV MATERIALLARI TAYYORLASHDA ADOBE CAPTIVATE DASTURIDAN FOYDALANISH. Архив Научных Публикаций JSPI.
7. Xummatova, K. (2020). Педагогика олий укув юртларида кредит уқитиш тизимини ташкил этиш. Архив Научных Публикаций JSPI.
8. Ernazarova, N. (2020). МАТЕМАТИКА FANIDAN AMALIY MASHG 'ULOTLARDA SONLI TO 'PLAMLAR VA ULAR USTIDA AMALLARNI O 'RGANISH. Архив Научных Публикаций JSPI.